## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

## 73 Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тулаш тизимини тубдан такомиллаштириш, пенсионерлар, талабалар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини сузсиз таъминлаш, уларнинг Узбекистон Республикасининг барча ҳудудида ҳарид қиладиган товар ва ҳизматлар учун туловларни тусиқларсиз амалга ошириши учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси рахбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўз вақтида тўланмаётгани, тўлов терминаллари ва банк аппаратлари тизими етарли даражада ривожланмаган холда тўловлар пластик карточкаларга асоссиз равишда ўтказилаётгани тўгрисида кўплаб мурожаатлар келиб тушаётганига қаратилсин.
  - 2. Белгилаб қуйилсинки, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:


барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат худудида ҳеч қандай чекловларсиз тулиқ ҳажмда нақд шаклда берилади;

иловада\* келтирилган тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тӱлаш, ижтимоий тӱловлар ҳеч қандай чекловларсиз тӱлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилади;

олий ўкув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи накд шаклда берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти пенсиялар мазкур қарорнинг 2-бандига мувофик, қонун-

<sup>\*</sup> Илова рус тилидаги матнда берилган.





чиликда белгиланган муддатда, тегишли ойнинг 27 санасидан кечиктирмай туланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банклари билан биргаликда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ҳамда уларга тенглаштирилган туловларни тулашда йул қуйилаётган доимий суиистеъмолликларни сузсиз бартараф этишга доир чораларни курсин, туловларнинг биринчи талабга биноан ҳужалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидан ҳеч қандай монеликсиз берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қумитаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда мавжуд тулов терминаллари инфратузилмасини хисобга олган холда иш хақини накд шаклда ва пластик карталарга утказиш йули билан тулашни танқидий қайта куриб чиқсин ва бу борада мақбул нисбатларни белгиласин. Қабул қилинган чоратадбирлар туғрисида Узбекистон Республикаси Президенти Девонига ахборот берилсин.

- 5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги 147-сонли «Банклардаги депозит хисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўгрисида»ги қарорининг 3- ва 4-бандларида кўзда тутилган нақд пул маблаглари ўз вақтида берилишини таъминламаётган тижорат банклари рахбарлари ва мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича нормалар амалда қандай қўлланилаётганини ўргансин.
- 6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шахар ва туманлар хокимликлари билан биргаликда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмага чиқиб кетишига йул қуймаслик хамда унинг савдо ва хизмат курсатиш соҳасидан тижорат банклари кассаларига уз вақтида қайтарилишини таъминлашга қаратилган аниқ тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.
- 7. Иш хаки, пенсия, нафака ва стипендияларнинг ўз вактида ва узлуксиз тўланишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.С. Азимов ва Марказий банк раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.
- 8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2017 йил 2 февраль, ПК-2753-сон

